



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 18 август, жума № 32 (415)

Сотувда нархи эркин

## ЖАСОРАТИНГ УНУТИЛМАС БОБУРЖОН!

Ватанга ёв бостириб келса, жасур, мард ўғлонлар кўксини қалқон қилиб, юртини ҳимоя қилади. Бобуржон Ганиев ана шундай ботир, жасур алоқачи ўғлонларимиздан бири эди. Сурхондарё вилоятининг Сароисов ва Узун туманларида ватанимизга суқулиб кирган душман билан булган жангларда Б. Ганиев мардларча курашиб, ҳалок бўлди.

Лейтенант, алоқачи муҳандис Бобуржон Абдухамидович Ганиев 1977 йили Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида дунёга келганди. Отаси ҳарбийда ишларди. Улар 1982 йили Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрига кўчиб келишди.

Бобуржон 1995 йили Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кириб, уни битирди. У ёшлигидан спортга қизиқарди. Спортнинг таъжубдор тури билан шуғулланди.

Чаққонлиги, довураклиги, ширинсузалиги билан уртоқларидан ажралиб турарди. Билимга чанқоқ, кўнгли очик, қалби пок инсон эди.

Бобуржон Ганиев ўқини тугатган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг жорий йил март ойидаги буйруғи билан лейтенант унвонига сазовор бўлди. У группа командирининг ёрдамчиси эди. Хизматда уз интизоми билан тенгдошларига ўрнак

бўлди.

Афсуски, ана шундай ажойиб инсон душман билан курашда бевақт оламдан ўтди. Видолашув онларида Бобуржоннинг онаси тупланганларга қарата шундай деди:

«Ўғлимга берган оқ сўтимдан розиман. Ўғлим кўча-кўйда безорилик қилиб, биров билан муштрашиб оламдан ўтгани йўқ. Ватанини, халқини ҳимоя қилиб, жонини фидо қилди.

Икки ўғлим ҳарбий хизматчи. Уларни ҳам юртимиз тинчлигини ҳимоя қилиш учун чегарага юборишга тайёрман. Президентимиздан, ҳукуматимиздан розиман». Менимча, барча шахидларнинг оналари фарзандлари беҳуда улмаганлигини ҳис этадилар. Улар ҳам эл қузига тик боқа оладилар.

Бобуржон ватанга ёв бостириб кирган душманларга тик бора олди. Ватанини, юртини севган инсонларнига ўғлига ана шундай тик бора олади.

... Тушдан сўнг майор Садриддинов командирлик қилаётган булинма Кишлук кишлоғи яқинидаги даралардан бирини ўз назорати остига олди. Тоғларга оқшом тез чуқади. Шунинг учун ҳам атрофни зулмат қоплагандан дарани куздан кечириб, маррани эггалаш ҳақида буйруқ олинди. Бобур ўзи билан етти нафар йиғитни олиб, ҳар

бир қоя, ҳар бир унгури диққат билан куздан кечира бошлади. Тош кўчкларни, тоғ усимликларининг тоғталгани Бобурда шубҳа уйғотди. У аскарларни бир оз орқароқдан ҳушёр бўлиб юришга чақирди. Шунда қоялар орасига гистирма қўйган душман юзма-юз турган Бобурга тўстатдан автоматдан ут очади.

Ўқни биринчи бўлиб ўзига қаратган лейтенант ярадор бўлишга қарамай тиз чўкиб, аскарларга чекиниб, маррани эггалашлари ҳақида буйруқ берди. Ўзи эса то қуролдошлари ҳавфсиз жойга утунга қадар яқин қуролланган жангариларни ушлаб турди. Ҳатто майор Садриддиновнинг орқага чекиниш тўғрисидаги даяватлари ҳам қўлоғига кирмади.

Уша тенгсиз жанг шохидларининг гувоҳлик беришича, ўттизга яқин яқин қуролланган жангарилар етти-саккиз кишилик кичик гуруҳга бўлиниб ҳамла қилган. Бобур қаттиқ яраланганга қарамай, сўнги нафасигача босқинчилар билан олишган. То ярим тунга қадар дарадан автомат овозлари келиб тургани ҳам бундан гувоҳлик беради.

Бобуржон Ганиевнинг Ватанини ҳимоя қилишда қурсатган жасорат ва мардлиги институти жамоаси, устозлари ва собиқ курсдошлари қалбида абадий яшайди.

Иzzат АХМЕДОВ

## ВАТАН УЧУН ЖОНИМИЗ ФИДО

Юртдошларимиз дилида юксак орзу-умидлар, эзгу ниятлар билан истиклол байрамини қаршилаётган бир пайтда бир гуруҳ террористларнинг тинчлигимизни қуролмай қилаётган галамисликлари халқимизнинг газабини қўзғатмоқда.

Улар Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сароисов туманларига суқулиб кириб, аҳолининг тинчини, ҳаловатини бузди. Уша жангларда бир неча ўзбек ўғлони Ватан учун жон берди. Булар аллақачон оқ қорани таниган, иродати,

мард йигитлар эди. Ўз жонини гаровга қўйиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Фақатгина тупроғини, ота-онасини, элини, юртининг озодлигини юракдан ҳис қилган инсонларгина шу ишга қодир. Ўзбек ўғлонларининг қониди ана шу хислатлар жушиб оқаётганига ишонаман. Мен жонажон ватанимизга суқулиб кирган бундай галамислардан нафратланаман. Ўз юртимизни биз ёшлар ҳар доимо ҳимоя қилишга тайёрмиз.

Ш. ИСМОИЛОВ, талаба

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚУВОНЧИ

«Соғлом авлод — соғлом келажакимиз» — шiori остида алоқа соҳаси ходимларининг фарзандлари Бустонликда жойлашган «Алоқачи» болалар оромгоҳида дам олдилар. Болакайлар гузал сулим оромгоҳда кўнглили хордиқ қўқариб қайтидилар. Айрим камтаъминланган алоқачиларнинг болалари учун оромгоҳга бепул йўланмалар берилди.

Ҳар кун болаларнинг қувноқ ўйин-қўлгилари оромгоҳ файзига файз қўшди. Бу ерда ҳар хил спорт мусобақалари: шахмат, шаш-

ка, футбол, волейбол, баскетбол, бассейнда сузиш, теннис ўйинлари ва бошқа тadbирлар утказиб турилди.

Тарбиячи мураббийлар ширинсуханлик билан болалар кўнглини олдилар. Ўз вақтида болалар учун туйимли оёқталар, ширин ва мазаги мевалар бериб борилди. Фарзандларимиз оромгоҳда янги дустлар орттириб, ўйинлар ургандилар. Оромгоҳ болаларимизда катта таассурот қолдирди.

О. МУЗАФФАРОВА, Тошкент шаҳри

## МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

**1. Мустақиллик байрамининг 9 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Ўтган вақт мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?**

**2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?**

**Маъмуржон АСТАНАЕВ, «Андижон Телеком» ҳиссасдорлик жамияти Хўжаобод филиали директори:**

1. Мустақилликнинг 9 йиллик байрамини нишонла шимизга санокли кўнлар қолди. Утган 9 йил мобайнида шундай ютуқларга эришдикки, электралоқа соҳасида вилоятимизда жорий қилинган технологиялар ва замонавий қўрилмалар 70 йил ичида собиқ Иттифоқ таркибиди бўлган Ўзбекистон халқи учун фақат орзу эди, ҳоло. Утган йили Корея Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (ЕDСF) томонидан ажратилган кредит ҳисобига вилоятимизда коммуникация тизимлари ва станциялараро алоқа тармоқларини қайта қуриш ва кенгайтириш амалга оширилди.

Ажратилган кредит маблағлари

жами 21000 рақамли телекоммуникация тизимларини қайта қуриш ва кенгайтиришга ҳамда ўн битта узатиш тизими (SDN) ва 169,5 км узунликдаги шаҳарлар ҳамда станциялараро оптик толали кабель линияси қурилишига йўналтирилди. Оптик толали кабелининг туманимиз орқали ўтиши мижозларимизга дунё талаблари даражасида алоқа хизмати қурсатиш имконини беради. Зеро, ҳозирги кўннинг талаби ҳам шу.

Замонавий алоқа ускуналарини ишлатиш учун телекоммуникациялар буйича албатта юқори малакали мутахассислар керак. Шуларни ҳисобга олган ҳолда 1996 йилдан бошлаб кадрлар тайёрлаш масаласига ҳиддий эътибор бериб келмоқдамиз.

Яқинда икки нафар собиқ ишчи-қайта қуриш ва кенгайтириш амалга оширилди. Яна икки нафар

талаба ёшларимиз келаси йили Тошкент электротехника алоқа институтига, бир нафари эса Тошкент алоқа коллежини тамомлаб, сафимизга келиб қўшилиди. Бу йил ёшларимиздан тўрт нафари Тошкент электротехника алоқа институтига ҳужжат топширди.

Энг муҳими, миллатимиз мустақил бўлди. Миллатимиз овоз миллатга, халқимиз ўз утмиши ва келажакнинг ҳақиқий эгасига айланди.

2. Мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун ҳар бир фуқаро қайси жабада бўлмасин, ўзининг теран фикри ва ҳалол меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшиши керак. Жумладан, мен халқимизнинг узогини яқин қилишдек шарафли ва савобли, айни пайтда масъулиятли алоқа соҳасида меҳнат қилаётган эканман, танлаган касбимдан ҳурсандман ва фахрланаман. Келгусида Ўзбекистонимизнинг буюк келажак ва мустақиллигини мустаҳкамлаш учун алоқа соҳасидаги беминнат хизматим билан ўз ҳиссамни қўшаман.

Раҳмонжон ЎЗОҚОВ, ёш олд

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида телефон ўрнатишга ҳаммамнинг ҳам қўрби етавермайди. Телефоннинг қанчалик зарур эканлиги ҳақида эса кўп гапиришнинг ҳолати йўқ. Шу боисдан «Сирдарё Телеком» ХЖ барча шаҳар ва туман бўлимлари каби Гулистон шаҳар бўлимида ҳам телефон хизматининг операторлар билан ишлайдиган маҳаллий ва

орқали огоҳлантириб қўйдим».

Бугунги кунда Гулистон шаҳар бўлимида 24 та маҳаллий, 27 та шаҳарлараро ва 4 та халқаро телефон-автоматлар операторлар орқали фаолият қурсатиб турибди.

Кундан-кунга оммавийлашиб бораётган телефоннинг бу хизмат тури хиссасдорлик жамиятига молиявий жиҳатдан ҳам яқшигина

## ГУЛИСТОНЛИКЛАР МАМНУН

шаҳарлараро таксофон хизмати кенг йўлга қўйилди.

Биз шаҳарлараро таксофон орқали гаплашаётган кишидан ҳозиргина қаер билан гаплашганини қизиқиб сўрадик. У киши деҳқон Тожибой Мусурмонов бўлиб, Жиззах вилоятининг Дустилик туманидан ўзи етиштирган қовун, тарвузларни Гулистон бозорига сотиш учун олиб келган экан. «Бозор жуда тўкин, қовун, тарвуз сероблигидан олиб келган маҳсулотнинг қолганини эртага сотадиган бўлдим, — деди биз билан суҳбатда Тожибой ака, — уйдагиларни бугун бу ерда қўлиб, эртага боришим ҳақида телефон

фойда бермоқда.

Операторлардан С. Эгамов, У. Турғунов ойига 30-35 миң сўмдан нақд пулни Гулистон шаҳар бўлими газанасига топширишмоқда. Жорий йилнинг 1 чорагида 650 миң сўм топширилган бўлса, II чорада 1 млн. сўмдан ортқ, фақатгина июль ойида эса 497 миң сўм даромад келтиришди. Ўз навбатида телефон операторлари ҳам рағбатлантириб турилибди. Корхона республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллигига таксофонлар сонини 60 тага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

А. ҲОТАМОВ, жамоатчи мухбиримиз

Қорақалпоғистон Республикаси давлат алоқа инспекцияси жорий йилнинг олти ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июлдаги 293-сонли Қарори билан тасдиқланган «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурilmаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (берил), лойиҳалаш, куриш (урнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида» Низом ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 1999 йил, 2 апрелдаги 157-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалардан ва радиочастоталар спектридан фойдаланишни бошқариш тартиби тўғрисида» Низом талабларининг ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини назорат қилиш бўйича ҳамда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни Республика Кенгаши башқарилган режа-жадвалига асосан ўрта комплекс текширишлар ўтказди.

Текширишлар жараёнида алоқа корхоналари ва айрим ташкилотларда қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилаётганлиги аниқланди, камчиликлар юзасидан тегишли курсатмалар берилди. Шу курсатмаларга асосан Давлат солиқ бош бошқармаси томонидан транк алоқасидан фойдаланиш ҳақида ўз вақтида курсатномалар олинди. Икки идоравий мини-АТСда профилактик ишлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилди. «Туркул-ТВ» телеустуворига ҳам берилган курсатма талабларининг ўз вақтида бажарилишига эришилди.

Давлат алоқа инспекцияси фармойишларини бажариши мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси тармоқларида линия-кабель иш-ишотларининг текшириш хизмати, уларни муҳофаза қилиш борасида олиб

борилаётган ишлар ва «Қорақалпоқ почтаси» ҲХ алоқа бўлиmlари, «Матбуот тарқатувчи» масъулиятли чекланган жамият газета дўконларининг эстетик ҳолати, даврий нашрларнинг сотувда мавжудлиги, аҳоли эътиборига иш ва қабул вақтлари тўғрисидаги маълумот ва эълонларнинг мавжудлигини ўрганиш ишлари жараёнида алоқа боғламалари буюри томига ўрнатилган антенналар ходимларимиз эътиборини тортди. Бу ҳолат алоқа боғламалари бошқаруви билан биргаликда ўрганилиб чиқилганида, Хужайли, Шуманай, Эллиқалъа ва Беруний туманлари электралоқа боғламаларида радиотелефон антенналарининг Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхона-

улаб куриш тўғрисида хатлар жўнатилди. Натيجада, Хужайли ва Шуманай туманлари электралоқа боғламаларидаги радиоэлектрон воситалар Электромангит мослашув хизмати томонидан фойдаланишдан олиниб, бугунги кунда уларни ишлатиш тўхтатилиши тўғрисида ва Электромангит мослашув хизматининг 03/15-35-296-сонли хати бўйича «Орол-қўшлоқсуқурилиш» бошқармаси, Тахياتош насос станциялари электрофикацияси ва алоқа бошқармаси ҳамда Тахياتош ГРЭС корхоналари радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурilmаларни рухсатномасиз ишлатиб, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл

боғламасидан кўчириб олиниб, Эллиқалъа туман электралоқа боғламасига Электромангит мослашув хизматининг рухсатномасиз ўрнатилганлиги аниқланди ва амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилишига курсатиб ўтилди. Ҳеч қандай жавоблар олинмагач, инспекция ходимлари корхонага бич неча мартаба бориб, курсатмаларнинг бажарилишига етиш натижага эришилди. Ҳозирги вақтда баҳармаганликларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 152-моддасига асосан Тахياتош насос станциялари электрофикацияси ва алоқа бошқармаси бошлиғи А. С. Матжанов, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭА-ИЧК бош муҳандиси К. М. Каланов ва корхона электралоқа бўлими бошлиғи Б. Наммаддиновларга маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши лозим деб топилди, бу жарималар Давлат бюджети ҳисобига тулиқ ўндириб олинди. Лекин

Қорақалпоғистон Республикаси давлат алоқа инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларига асосан 57 та радиоэлектрон воситаларни тегишли рухсатномалар олмастан ишлатишни тўхтатиш тўғрисида берилган курсатма талабларини ўз вақтида бажариш ҳанузгача гайсалга солиб келинаётган.

Бир неча мартаба берилган курсатмалар ҳамда уни бажариш учун такрорий юборилган эслатма хатлар Тахياتош насос станциялари электрофикацияси ва алоқа бошқармаси раҳбари томонидан ҳар хил сабаб, ваз-карсонлар рўқча қилиниб, бажарилаётгани учун солинган жарималар ҳам ўз вақтида ўндирилмади.

Ўқорида баён этилган ва алоқа назорат қилишда кўп дун келинаётган бундай қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилишининг асосий сабаблари — Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқати Қонунлари, Қарорлари ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тасдиқлаган меъёрий ҳужжатлар талабларининг жойлардаги мансабдор шахслар томонидан чўқур ўрганиб чиқилмаганлиги, жойларга меъёрий ҳужжатларнинг ўз вақтида ва мунтазам етказилмаганлиги, амалдаги қонунчилик ва Низомлар талабларига раҳбар ходимларнинг масъулият билан ёндашмаслиги оқибатидир. Қаердаки қонунга амал қилинмас экан, у ерда тартиб-интизом бўлмайди. Мақсадимиз ҳуқуқий давлат куриш экан, қонунга амал қилиш ҳаммининг бурчидир.

**М. ТОИПОВА,**

**Қорақалпоғистон Республикаси давлат алоқа инспекцияси бошлиғи,**

**Э. МАТКУБОНОВ,**

**Давлат алоқа инспекцияси меъёрий ҳужжатлар бўлими ходими**

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

си розилиги олинмасдан ўрнатилганлиги ҳамда ундан фойдаланиш учун Электромангит мослашув хизматининг рухсатномалари йўқлиги маълум бўлди. Шундан сунг алоқа боғламалари бошқарувига Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июлдаги 293-сонли қарори ва Агентлигининг 1999 йил, 20 апрелдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалардан ва радиочастоталар спектридан фойдаланишни бошқариш тартиби тўғрисида» талаблари билан бузилаётганлиги курсатилиб, баённомалар тузилди. Электромангит мослашув хизматидан рухсатномалар олинганга қадар радиоэлектрон воситаларни ишлатишни тўхтатиш тўғрисида курсатмалар берилди. Шу билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Электромангит мослашув хизмати ва Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарларига бу радиоэлектрон воситаларни текшириш ва уларни

қўйлаётганлиги ҳақида маълумотлар олинди.

Ўқорида номлари келтирилган корхона раҳбарларига қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан радиоэлектрон воситаларни ишлатиш учун ўрнатилган тартибда рухсатнома олиш зарурилиги тўғрисида эслатма хатлари юборилди. Бироқ бу хатларга расмий жавоблар олинмагач, такрорий равишда мuddатлари белгиланган курсатмалар жўнатилди. Ҳозирги вақтда юқорида номлари зикр этилган корхоналардан фақатгина Тахياتош ГРЭСи 11 та радиоэлектрон воситаларни ишлатишга рухсатномалар олган.

«Орол-қўшлоқсуқурилиш» бошқармасидаги радиоэлектрон воситаларнинг антенналари эса жойидан ечиб олиниб, улардан фойдаланиш тўхтатилиди. Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида барча радиоэлектрон қурilmаларни ишлатиш учун рухсатномалар олинмасдан фойдаланилганлиги ҳамда «РАДАН-СВЧ-РРЛ» аппаратурасини Мўйноқ тумани электралоқа

си Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига юборилди ва бу курсатма назоратта олинди.

Нузфули давлат алоқа назорати органи берган курсатмаларнинг ҳам назорат мuddати тугагач, Давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига эслатма хатлари жўнатилди. Бироқ бу билан ҳам курсатмадаги қонуний талаблар бажарилмади. Натيجада Қорақалпоғистон Республикаси давлат алоқа инспекцияси томонидан юқорида баён этилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларини ўз вақтида бажармаганликларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 152-моддасига асосан Тахياتош насос станциялари электрофикацияси ва алоқа бошқармаси бошлиғи А. С. Матжанов, Қорақалпоғистон Республикаси ДЭА-ИЧК бош муҳандиси К. М. Каланов ва корхона электралоқа бўлими бошлиғи Б. Наммаддиновларга маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши лозим деб топилди, бу жарималар Давлат бюджети ҳисобига тулиқ ўндириб олинди. Лекин

## МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг кубоги учун Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ўртасида мини футбол бўйича ўтказилаётган турнир уйинлари якунига етди.

Чорак финалга «А» гуруҳидан ФТМТМ, «МТУ» ҲХ, РРТИЧБ, ДФХ, «Б» гуруҳидан «Алоқабанк», «ТШТТ» ҲХ, «Ўздунробита» ва Алоқа коллежи командалари йўлланма олдилар.

Бу командалар ўртасидаги чорак финал уйинлари қуйидаги тартибда ўтказилди:

ФТМТМ — Алоқа коллежи	19.08.00 й. — 9.00
«МТУ» ҲХ — «Ўздунробита»	19.08.00 й. — 10.00
«Алоқабанк» — РРТИЧБ	19.08.00 й. — 11.00
«ТШТТ» ҲХ — ДФХ	19.08.00 й. — 12.00

## ЭЪЛОН!

«Ўзбекистон маркази» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2000 йил, 11 сентябрь соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй, 2-қават, 19-хона.

### КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбекистон маркази» ҲХ Кузатув Кенгаши ваколатларини мuddатидан олдин тўхтатиш ҳақида.
2. «Ўзбекистон маркази» ҲХ Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
3. «Ўзбекистон маркази» ҲХ Тафтиш комиссиясини қайтадан сайлаш ҳақида.

Йиғилиш қатнашчилари 2000 йил, 11 сентябрь соат 9.00 дан 11.00 гача рўйхатга олинади. Кун тартиби бўйича таклифларни юқорида кўрсатилган манзилга юборишингиз мумкин.

**Мурожаат учун телефон: 34-89-41.**

«Ўзбекистон маркази» ҲХнинг Давлат ишончли вакили

Халқимизда олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми, деган мақол бор. Форшлик Улаш Ҳўрозов ҳам мана 32 йилдирки, эл дуосини олиб, Қораобдол алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келади. Агар Форш тумани вилоятининг 52 фоиз ҳудудини эгаллашни кўз ўнгимизга келтирсак, тоғли кўжаликдаги Қораобдол, Ҳасанота, Каттасой, Олоқор, Бешбол, Тепали ва бошқа қатор қишлоқларга алоқа хизматини кўрсатиш, ўттиз йилдан ортқ эл меҳрини қозониш осон иш эмаслиги маълум бўлади.

— Биз хизмат қилаётган қишлоқларда олти юзга яқин

мингталикдан кўп бериб юборибман. Эрталаб ишга борсам у киши ишхонамда ўтирибди.

— Жиян, кеча ҳеч тонг отмагандай бўлди. Шу, десанг менга кўп пул бериб юборибсан, — деб бир даста пул тутқазди. Шу-шу оқибатли отахонимизга «миллионер тоға» деб ҳазиллашиб юраман.

Улаш ака ҳозиргача саккизинчи раҳбар билан бинойидек ишлапти. — Туман алоқа бўлими раҳбарларининг ақсарияти устозим, улардан озми-кўпми иш ўргандим, шу менга мактаб бўлди, дейди у киши.

Улаш ака 8 нафар фарзанди ва шунча невараси қуршовида бахтли

## ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИБ

нафақадаги қариялар бор, уларга ҳар ойнинг йилгирманчисига нафақа етказиб бераймиз, — дейди Улаш ака.

Истараси иссиқ, доимо юзида ҳушчаққалик акс этган Улаш Ҳўрозов ҳар доим эл хизматида. Кўбш тафтидан қорайиб кетган, аммо кўринишидан ёш кўринадиган Улаш ака бу йил яраим асрни қарши олди.

— Биз Улашқондан миннатдоримиз, барака топсин, — дейди Ўзбекистонда хизмат қилган пахтакор, уруш фахрийси Суяр Оролов.

Улаш акадан ўттиз икки йиллик иш фаолиятини гизда қизқарли воқеалар ҳам бўлганим, деб сўрайман:

— Албатта. 1969 йили киши жуда қаттиқ келди. Бир ой газета-журналларини олиб келолмадик. Охири, танкага ортиб келганмиз.

Сўм қўпон чикқанда, Уриш Боботоев деган нафақачига бир даста 10

яшаётган оилалардан бири. Катта ўғли фермер. Мулкчиликнинг янги шаклидан, мустақиллик мевасидан баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда Улаш аканинг ҳамқишлоғи, республика радиосида ишлаётган журналист Саҳобиддин Ҳўжановни қўриб қолдим. У ҳам Улаш ака ҳақида эшитиб: «Э, эур одам Улаш ака, ўзингиз ўйланг, ўттиз икки йил бир жойда ишлаш, шунча йил одамларга қувонч улашиб келишининг ўзи бўлмайдими», — дейди.

Дарҳақиқат, Улаш ака ўз ишининг ҳадисини олган одам. Бугун у киши мамлакатимиз Мустақиллигининг 9 йиллик байрамини фарзандлари, неваралари билан шоду-хуррам кутиб олиш орузи билан яшамоқда.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**  
журналист,  
Жиззах вилояти

## ТАЙИНЛАШ

**Абдулла**

**Нигматович ОРИПОВ**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 15 августдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг биринчи уринбосари этиб тайинланди.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Ўзбектелеком Интернешнл ҲХ» қўшма корхонаси жамоаси шу корхонанинг

Бош директори

**Тоҳир**

**Мухаммадшоевич**

**БИКМЕТОВ**ни 50 ёши

билан қизгин

табриклайди. Унга узоқ

умр, сиҳат-саломатлик,

ойлавий бахт ва тотувлик,

алоқа соҳасидаги

ишларида

муваффақиятлар тилайди.

**COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!**



ДУШАНБА, 21

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.45 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

17.55 ТВ-маркет
18.10 Митинглар олдиси: Кинофестивал
18.35 «Совик ва кизорат»
18.50 «Расуллар гулдасан» Муслим дас-тур...

«Шарҳ» телеканоли

8.55 Кўрсатув дастур:
9.00 «Давр» Абборот дастури.
9.15 «Инги алоҳида» пилтаси. «Мультимоша»...

12.55 «Хайрат»
13.15 «Муслим дас-тур»
13.20 «Автомобил»
13.40 «Товен»
13.55 «Ватан манзиллари»...

«Тошкент» телеканоли

7.30 «Сотгом бўлай десангиз»
7.40 «Пойташ» Абборот дастури.
8.00 «Экспресс» телегазетаси.
8.55 «Бобил минораси» Телесерия...

19.35 «Табобот оламида»
19.55 «Муслим дас-тур»
20.00 «Давр»
20.15 «Эски албомдан»...

«Халқаро» телеканоли

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ
15.50 Кўрсатув тартиби
16.55 «Бобил минораси» Телесерия...

8.00 «Экспресс» телегазетаси.
8.20 «Ош» телеконтрасти.
9.05 «Рамина» 38-қисм.
9.40 «Кинси сезамизи»...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

ЯҚШАНБА, 27

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Тошкент» телеканоли

7.30 «Сотгом бўлай десангиз»
7.40 «Пойташ» Абборот дастури.
8.00 «Экспресс» телегазетаси.
8.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Халқаро» телеканоли

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ
15.50 Кўрсатув тартиби
16.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Тошкент» телеканоли

7.30 «Сотгом бўлай десангиз»
7.40 «Пойташ» Абборот дастури.
8.00 «Экспресс» телегазетаси.
8.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Халқаро» телеканоли

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ
15.50 Кўрсатув тартиби
16.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Тошкент» телеканоли

7.30 «Сотгом бўлай десангиз»
7.40 «Пойташ» Абборот дастури.
8.00 «Экспресс» телегазетаси.
8.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Халқаро» телеканоли

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ
15.50 Кўрсатув тартиби
16.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Тошкент» телеканоли

7.30 «Сотгом бўлай десангиз»
7.40 «Пойташ» Абборот дастури.
8.00 «Экспресс» телегазетаси.
8.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Халқаро» телеканоли

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНСИ
15.50 Кўрсатув тартиби
16.55 «Бобил минораси» Телесерия...

«Узбекистон телеканоли»

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Талхилона»
8.45 ТВ-маркет
8.50 Театр ахбороти кўлидаги: Муслим дас-тур...

«Шарҳ» телеканоли

9.00 «Давр» телеканоли
10.00 Кўрсатув дастури
10.05 «Инги алоҳида» студияси: «Ҳў вафодаси»...

«Тошкентдаги гапиримиз ва кўрсатимиз» теледастурида олинди.

Маҳаллаиз марказида бир кўшнимиз буларди. Хонадонда турт фасл жамбил райхон ифори келиб турадиган, фаршгаликки-на Файзи холани етти маҳалла яхши танир эди. Олти қизи, кўш угли булиб, турмуш уртоғи билан сан-мансиз, ниҳоятда аҳил яшарди. Холанин ҳовлиси ҳаминча гав-

дейди, денг, «Ҳей нодон кампир, набираларинг сен, мен бор эканмиз, келишди. Қайтага суюнгин, бу кунлар ҳам ганимат, онаси» — дейди.

...Орадан кўп эмас, уч йилча вақт ўтди. Чолу кампир енгил бетобликдан кетма-кет ўтиб кетдилар. Ажаб, «Улдинг, учдинг» де-

## • Турмуш чорраҳаларида БУ КУНЛАР ҲАМ ГАНИМАТ...

жум буларди. Кўкламда энг аввал сумалак дошқозони шу хонадонда осилар, кўрган туши таъбири хосиятсизроқ туюлса ҳам дарров туртта кампирни чақириб, ис чиқариб юборар эди. Унга жуда ҳавасим келарди, назаримда унга ҳамма ҳавасманд эди. Айниқса, байрам кунлари олти қизи, кўёв, набиралари билан машиналарда кўчамизни тўлдириб, қаторлашиб келишса, кўшнилари «Файзи холанин қизлари келяпти», — деб эшик дарчасидан қараб қолишарди... Уй соҳиби — кенг феълли Ҳошим ота ҳовли этагида каттақон бог қилган, жаннатдай бу богда сархил мевалар сероб, бу ердан гипосга ранг кириб, урик чигитдай довучалагадан тортиб ёнғок пишиб қоқилгунга қадар набиралар, маҳалла болалари аримасди. «Тавба, — дерди гоҳида хола онамлар билан дардлашиб ўтириб, — менин уйим қарвонсароининг ўзи, ҳа шундай. Набираларим ҳар кўни шу ерда, барака топқурлар. Келин кеча бир тандир нон ёпганди, қолмабди-я? Сўтни пиширгандим, қатиқ ивитишга ҳам ҳожат қолмади, ичиб қўйишибди. Чолга айтсам, жеркиб берди. Нима

ганлари рост эканми, Файзи холанин ҳовлисига қирадиган серқатнов йўлак жимжит булиб қолди. Қизлар ҳам келмайди, набиралар ҳам. Ҳовли боғнинг таровати йўқолди. Мевали дарахлар қаровсизликдан, сувсизликдан қуриган, борлари ҳам ёлчиғиб ҳосил қилмайди. Маҳалладаги уйнарқоқ болаларинг ҳам боғдан қадами узилган. Энди бу хонадонда сумалак қайнамас, байраму одди кунлар фарқсиз эди. Катта угил уй-жой қилиб чиқиб кетган. Қизлар ўзи билан ўзи андармон. Кенжага тушган келин ота-онанин руҳини хотирлаб келган фарзандларга рўйхушлик беравермаганидан уллар ҳам бегонадай...

Эру хотин тонг отгандан шом тушгунга қадар эшикка мушумдай занг босган кулфни илиб, тижорат учун шаҳарга равона булдилар.

Ана шунда мен ярми хароб, ярми қошонадай, кенг, лекин хувиллаган ҳовлига қараб, беихтиёр Ҳошим отанин «Кампир, бу кунлар ҳам ганимат...» деган гапини эслайм.

**Вазира ТОҶИБОЕВА,**  
Пискент шаҳри

### • Бу — қизиқ!

#### САЙЁҲ — ЕР ПАРЧАСИ

Америкалик геолог Ж. Силбининг ўқтиришича, Алясканиннг бир қисми Америка қитъасига тегишли эмас.

Тоғ маъданлари, уларнинг таркиби ва митти жониворларнинг тошга айланган жасадларини урганиш олимни Алясканиннг шарқий томондан Канадага бириккан ва Жуно шаҳри жойлашган қисми Австралияга тегишлидир, деган хулосага олиб келди. Тахминан 375 миллион йил илгари бу ер майдони Австралиянинг шарқий қисмидан узалиб, Тинч океанини кесиб ўтган, бироз муддатда Перу қирғоғи яқинида тўхтаб, шимолга ҳаракатлана бошлаган. Уз йўлида Калифорниянинг олтинга бой соҳил қисмидаги ерларни илаштириб, Аляскага келиб бириккан, дея ҳисоблайди Ж. Силби.

#### КҮМИР МАҲОБАТИ

Ер қитъасидаги жами кўмир захиралари бир жойга тўпланса, томонлари 21 чақирим бўлган куб ҳосил бўлиб, энг баланд чуққи — Эверест ҳам унинг ёнида митти дунгликдай қуриган буларди.

#### АНТИКА ДАВО

Япон олимлари тиш хасталиқларига сабаб булувчи қатлам вужудга келишига йўл қўймайдиган бактерияни кашф эттишди.

— Энди уни ишга солишнинг мақбул йўли топилса, тиш оғриги, деган нарсани эсдан чиқариш мумкин, — дейди ирсий тадқиқотлар буйича мутахассис А. Мацусиро.

Алоқа учун энг яхши восита булган радио ихтиро қилингандан кейин икки йил ўтгач, 1898 йили Англияда бир кема симсиз телеграф билан жиҳозланди. Бу — сузиб юрвчи маяк (маяк) эди.

Ана шу маяк кема 1899 йилиннг 6 мартада денгизда «Мэттьюс» номли кема билан тўқнашиб кетиб, ҳалокат руй берганда денгизчилик тарихида биринчи марта радио орқали ердан сураб мурожаат қилди.

## SOS СИГНАЛИ

Аммо уша вақтда жаҳон буйича қабул қилинган ягона халқаро ҳалокат сигнали йўқ эди. Фақат 1906 йилнинг 3 ноябрида Германиянинг Берлин шаҳрида халқаро радио телеграф конвенцияси (битим) тузилди ва бутун дунё учун ягона ҳалокат сигнали — SOS қабул қилинди.

Бу сигнал минглаб кишиларни ҳалокатдан қутқариб, инсониятга катта фойда келтирди.

**А. АЛИЕВ тайёрлади**

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси ишлар бошқармаси биринчи тоифа машинакчиси Эльвира Алиеваг отаси

**Исмоил АЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ҲИКМАТЛАР

Бошида чинакам ақл-заковатли, маърифатли ва ойдин фикрли, бутун инсонлар турмаган миллат шарафсизликка маҳқумдир.

Курашиб эришилмаган галаба, галаба эмас.

**АМИР ТЕМУР**

Биз етмаган манзилларга иншооллоҳ авлодларимиз етажак!

**БОБУР**

Дона одамнинг хислати уч нарсада намоён булади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади; иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормади ва учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.

**Л. ТОЛСТОЙ**

Улуғ ақл эгалари ўз олдларига мақсад қўядилар, қолган одамлар эса ўз истаклари орқасидан эргашадилар.

**ИРВИНГ**



Бу чиройли нонларни ким ёпди, болакай?

## БИЛАСИЗМИ?

Гёте «Еш Вертернинг изтироблари» романиннг өзганида йигирма уч ёшда эди.

Достоевский «Камбағал кишилик» қиссасини ёзиб, Белинский таҳсинига сазовор булганида йигирма беш ёшда эди.

Лев Толстой илк асари — «Болалик»ни йигирма турт ёшда яратган.

Александр Фадеевнинг дастлабки машҳур романи «Тор-мор»нашр этилганида у йигирма олти ёшда булган.

«Декамерон»нинг муаллифи Жованни Бокаччо дастлабки шеърларини олти ёшда ёзган эди.

Лермонтов «Туркнинг шикоят»и шеърини ўн турт ёшда битган.

Блок олти ёшда шеърлар ёзишни машқ қилган.

Эргаш Жуманбулбул (бахши) 18 ёшдаёвқ машҳур шоир сифатида танилган.

Усмон Носир «Норбута» асарини — 20, Эркин Воҳидов «Буюк ҳаёт тонгини» — 24, Сайёр «Босисиз ҳайкал» дostonини — 20 ёшда ёзган.

Садриддин Айний 18 ёшдан бошлаб ягона «Айний» тахаллусини куллай бошлаган. Муаллифинг таъкидлашича, «Айни» сузининг ўзи 48 хил маънога эга экан.

Пушкин ўз асарларида 21197, Шекспир 20000 тача, Сервантес 18000 гача, Абдулла Тўхай 14 минг, Абай эса 6 минг суз қўллаган бўлса, Алишер Навоий биргина «Фарҳод ва Ширин» дostonида 5431 суз ҳамда бошқа асарларида 1378660 суз ишлатган.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДХҲУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХҲУЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМУЛЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000  
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган кўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-742.  
5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00